

**ЎЗР ФА МЕХАНИКА ВА ИНШОТЛАР СЕЙСМИК
МУСТАҲКАМЛИГИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.T/FM.61.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ

САБИРОВ НИЗАМБАЙ ХАЙИТБАЕВИЧ

**ҚОБИҚЛИ КОНСТРУКЦИЯЛАРНИНГ ТУРЛИ ЮКЛАНИШ
КЎРИНИШЛАРИДА ДЕФОРМАЦИЯЛАНИШИНИ ҲИСОБЛАШНИ
СОҢЛИ МОДЕЛЛАШТИРИШ**

**01.02.04 – Деформацияланувчан қаттиқ жисм механикаси
05.01.07 – Математик моделлаштириш. Соғли усуллар ва дастурлар мажмуи**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Сабилов Низамбай Хайитбаевич

Қобикли конструкцияларнинг турли юкланиш кўринишларида
деформацияланишини ҳисоблашни сонли моделлаштириш..... 3

Сабилов Низамбай Хайитбаевич

Численное моделирование расчета деформирования оболочечных
конструкций при различных видах нагружений..... 23

Sabirov Nizambay Hayitbayevich

Numerical simulation of the calculation of the deformation of envelope structures
at different types of loading..... 43

ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

Список опубликованных работ
List of published works..... 47

**ЎЗР ФА МЕХАНИКА ВА ИНШОТЛАР СЕЙСМИК
МУСТАҲКАМЛИГИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.T/FM.61.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ

САБИРОВ НИЗАМБАЙ ХАЙИТБАЕВИЧ

**ҚОБИҚЛИ КОНСТРУКЦИЯЛАРНИНГ ТУРЛИ ЮКЛАНИШ
КЎРИНИШЛАРИДА ДЕФОРМАЦИЯЛАНИШИНИ ҲИСОБЛАШНИ
СОҢЛИ МОДЕЛЛАШТИРИШ**

**01.02.04 – Деформацияланувчан қаттиқ жисм механикаси
05.01.07 – Математик моделлаштириш. Соғли усуллар ва дастурлар мажмуи**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.3.PhD/T556 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат транспорт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (реюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.instmech.uz) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбарлар:

Абдусаттаров Абдусамат
техника фанлари доктори, профессор

Юлдашев Таджимат

техника фанлари доктори, к.и.х

Расмий оппонентлар:

Юлдашев Шарафитдин Сайфитдинович.
техника фанлари доктори, профессор

Нуралиев Фахриддин Муродуллаевич
техника фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон миллий университети

Диссертация ҳимояси Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти ҳузуридаги фан доктори илмий даражасини берувчи DSc.02/30.12.2019.T/FM.61.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги тузилган бир марталик илмий кенгашнинг 2020 йил «16» декабрь, 14⁰⁰ соат « » даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100125, Тошкент шаҳри, Дўрмон йўли кўчаси, 33, 1- мажлислар зали. Тел.: (99871) 262-71-52; факс: (99871) 262-71-32, e-mail: instmech@academy.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Асосий кутубхонаси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (– рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100125, Тошкент шаҳри, Зиёлилар кўчаси, 13 уй.

Диссертация автореферати 2020 йил «03» декабрь куни тарқатилди.
(2020 йил « » декабрдаги 1 рақамли реестр баённомаси).



[Handwritten signatures in blue ink]

М.М. Мирсаидов

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор, ЎзР ФА академиги

М.К. Усаров

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, ф.-м.ф.д., к.и.х.

Р.А. Абиров

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, ф.-м.ф.д., к.и.х.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда иншоот ва конструкцияларнинг турли элементларини лойиҳалашда ишлатиладиган эластик қобик конструкцияларнинг деформацияланишини ҳисоблаш усуллари ишлаб чиқишга ва такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунинг учун ҳам, юпқа қобик конструкцияларининг ишчи параметрларини кучайтириш, мустаҳкамлигини ошириш, материал сарфини камайтириш, уларни транспорт қурилиши, машинасозлик, энергетика тармоқларида кенгроқ қўллашни кўпайтириш энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Юпқа қобик конструкциялар (қурилишда қопламалар, иссиқлик энергияси қурилмалари, газ ва нефть қувурлари, юқори босимли идишлар, вагон кузовлари, цистерна қозонлари, туннеллар қобиғи ёпмаси) ўзига хос конструктив шакллarga, ишлаб чиқариш технологияси, иш шароитлари, қўлланиладиган материалларнинг физик-механик хоссалари билан фарқланади.

Жаҳонда конструкциялар деформацияланишининг математик моделлари, ҳисоблашнинг сонли услублари ва алгоритмларини ишлаб чиқиш, юпқа қобик конструкцияларнинг кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатини таҳлил қилиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу йўналишда эксплуатация тавсифлари яхшиланган қобик конструкциялар моделлари, уларни ҳисоблаш услубларини ишлаб чиқиш, ҳамда эластиклик чегарасида ва ундан ташқарида турли юклантиришларда конструкциялар элементларининг кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатлари мавжуд моделларини такомиллаштириш ва тадқиқ этиш муҳим масалалардан бўлиб ҳисобланади.

Республикамизда юпқа конструкциялар ва замонавий иншоотларни лойиҳалаштириш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шунга боғлиқ ҳолда, қобик конструкциялар элементларининг эксплуатация тавсифлари яхшиланган цилиндрик ва сферик қобиклардан иборат бўлган янги типларини ишлаб чиқиш, шунингдек мавжуд моделларини такомиллаштириш, замонавий сонли услублар, ҳамда шахсий компьютерлардан фойдаланган ҳолда конструкцияларнинг юк кўтариш имкониятларини баҳолаш мақсадида лойиҳа олди ҳисоблаш бажарилишини тақозо қилади. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...йўл-транспорт, муҳандислик–коммуникация ва ижтимоий инфратузилмаларни лойиҳалаш ҳамда модернизация қилиш, ...информацион–коммуникацион технологияларни жорий этиш ...»¹ вазифалари белгилаб берилган. Мазкур вазифаларни бажаришда аниқлаштирилган математик моделларини ишлаб чиқиш, турли юкланиш турларида қобик конструкцияларнинг ҳисобини бажариш мақсадида дастурий воситаларни яратиш, геометрик параметрларини ва механик характеристикаларини кучланганлик – деформацияланганлик ҳолатига кўрсатадиган таъсирини таҳлил қилиш масаласи қўйилган.

1 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш Ҳаракатлари стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 9 августдаги ПҚ-3190-сонли «Ўзбекистон Республикаси ҳудуди ва аҳолисининг сейсмик хавфсизлиги, сейсмик чидамли қурилиш ва сейсмология соҳасида илмий тадқиқотлар ўтказишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 27 апрелдаги №ПҚ-3682 «Инновацион ғоялар, технологиялар, лойиҳаларни амалий татбиқ этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорларида ва ушбу соҳа бўйича қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда кўзда тутилган вазифаларнинг бажарилишига ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг IV. «Математика, механика ва информатика» устувор йўналишларига мос равишда бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Деформацияланиш жараёнларини моделлаштириш ва эластик қобик конструкцияларнинг турлича юкланиш кўринишларида ҳисоблаш усуллари бўйича илмий тадқиқотлар Н.Reissner, E.Meissner, W.Flugge, L.H.Donnell, A.E.Green, W.Zerna, W.T.Koiter, P.M.Nagdi, C.Truesdell, H.Neuber, N.Hoff, A.Libai, A.Love, S.P.Timoshenko, J.C.Simmonds, S.Woinowsky–Krieger каби таниқли хорижий олимлар томонидан ўтказилган. Эластик ва эластик-пластик қобик конструкцияларини ҳисоблаш назарияси ва услублари ривожига А.А.Ильющин, С.А.Амбарцумян, Н.А.Алфутов, В.В.Болотин, Т.Буриев, В.З.Власов, А.С.Вольмир, Э.И.Григолюк, Я.М.Григоренко, А.П.Гусенков, В.В.Новожилов, А.И.Лурье, В.В.Москвитин, В.И.Мяченков, В.И.Мальцев, Х.М.Муштари, В.К.Қабулов, Э.И.Старовойтов, Х.А.Рахматулин, Т.Р.Рашидов, Т.Ш.Ширинқулов, А.П.Филин каби олимларнинг илмий ишлари катта таъсир кўрсатди.

Юпқа деворли конструкциялар ва иншоотларнинг такрорий юкланишларда эластиклик чегарасида ва ундан ташқарида юк кўтарувчи элементларни ҳисоблашда асосан А.А.Ильющин - В.В.Москвитин томонидан шакллантирилган кичик эластик-пластик деформациялар назарияси қўлланилади. Материалларнинг емирилишини ва кам такрорланишли мустаҳкамлик мезонлари учун турли хил вариантлар И.А.Биргер, В.С.Бондар, Л.Коффин, С.Мэнсон, Т.Йокобори, С.В.Серенсен, Н.А.Махутов, Г.В.Москвитин, Г.П.Черепанов, В.Т.Троценко, А.М.Локощенколар томонидан таклиф қилинган.

Мамлакатимизда эластиклик ва пластиклик назарияси масалаларини ечишни моделлаштириш ва автоматлаштириш вазифалари илк маротаба академик В.К.Қабулов томонидан илгари сурилган, ушбу йўналишдаги изланишлар унинг шогирдлари ва издошлари Т.Бўриев, К.Ш.Бабамуродов, Ф.Б.Бадалов, Б.Курманбаев, А.А.Халджигитов, Т.Юлдашев, Н.Равшанов, А.М.Пўлатов, Р.А.Абиров, Ш.А.Назиров, Ф.М.Нуралиев, Б.А.Худаяров, Ш.А.Анарова, М.М.Расулмухаммедовлар томонидан давом эттирилди. Юпқа деворли конструкцияларни ўзгарувчан юкланиш ва юксизланиш жараёнини

ҳисоблашни деформацияланиш диаграммасининг эластиклик чегараларида ва ундан ташқаридаги жорий қийматларида алгоритмлаш, ЭҲМни жорий қилишни ривожлантириш масалалари академик Т.Бўриев томонидан кўриб чиқилган. Деформацияланувчи қаттиқ жисм ва юпқа деворли конструкциянинг статик ва динамик юкланишдаги деформацияланиш муаммолари, моделла-рини ишлаб чиқиш ва сонли ҳисоблашлар, шунингдек конструкцияларнинг грунт билан ўзаро таъсири масалалари Т.Р.Рашидов, М.М.Мирсаидов, Г.Х.Хожметов, Б.Мардонов, К.С.Султанов, Х.Х.Худайназаров, Б.Х.Хужаёров, Т.М.Мавланов, К.Исмаилов, Б.Э. Хусанов, И. Сафаров, А.Б.Ахмедов, Р.А.Абдукаримов, И.Мирзаев, Р.Ш.Индиаминов, М.К.Усаров, А.Х.Маткаримов ва Х.Сагдиевлар томонидан тадқиқ этилган. Сўнгги йилларда вагон-цистерналарнинг янги авлодлари яратилмоқда. Шу муносабат билан, янги типдаги қобик конструкциялар, эксплуатация тавсифлари яхшиланган цистерна элементларини ҳисоблаш, шунингдек мавжуд моделларни такомиллаштириш, юк кўтариш имкониятини таҳлил қилиш мақсадида замонавий сонли усуллар ва шахсий компьютерлардан фойдаланиб цистернанинг лойиҳа олди ҳисоблаш ишларини амалга оширилишини шарт қилиб кўяди. Ҳаракатланувчи поезд элементларининг, хусусан, вагон-цистерналарнинг мустаҳкамлик ва ишончилигини ҳисоблаш услубларини ишлаб чиқиш масалалари билан боғлиқ тадқиқотлар устида С.В.Вершинский, И.Г.Морчиладзе, В.Н. Котуранов, В.В. Лукин, И.И. Челноков, Л.А. Шадур, Ш.С. Файзибаев, Я. Рўзметовлар иш олиб борганлар.

Соҳага оид тадқиқотларнинг замонавий ҳолатини ўрганиш ва юпқа қобик конструкцияларни (цистерна ўзаги типдаги) турли типдаги юкланишларда материалларнинг емирилишларини ва кичик цикли мустаҳкамликни ҳисобга олган ҳолдаги деформацияланиш жараёнларини моделлаштириш ва юпқа деворли стерженлар ҳисоби муаммолари етарли даражада тадқиқ этилмаганлигини кўрсатди. Шу сабабли юпқа конструкцияларнинг турли хил такрорий юкланишларда материалларнинг емирилишини ҳисобга олган ҳолда деформацияланиши жараёнини моделлаштириш, шунингдек кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатларини тадқиқ этиш учун ҳисоблашнинг самарали услублари ва алгоритмларини, ҳамда дастурий воситаларни ишлаб чиқиш зарурати юзага келмоқда.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент темир йўл муҳандислари институтининг №А14-010 «Турли хил юкланишларда цистерна типдаги кўшма қобик конструкцияларининг кам цикли мустаҳкамлиги ва динамикасини тадқиқ этишнинг самарали услубларини ишлаб чиқиш» амалий гранти (2015-2017) ва № Ф4-019 «Такрорий юкланишлар ва чекли деформацияланишларда қовушқоқ эластик-пластик конструктив элементларни ҳисоблаш назарияси ва усуллари-нинг илмий асосларини ишлаб чиқиш» фундаментал гранти (2017-2020) илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади статик ва динамик юкланишдаги қобикли конструкцияларнинг деформацияланишини математик моделларини, шунингдек турли чегаравий ва бошланғич шартларда қобик конструкциялар элементларини кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатини таҳлили учун ҳисоблаш алгоритмлари ва дастурий воситаларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

ўққа нисбатан симметрик қобик конструкцияларнинг ҳисоб схемасини шакллантириш, геометрик ва физик муносабатларни куриш, вариацион мувозанат тенгламасини тузиш;

шпангоут билан мустаҳкамланган ўққа нисбатан симметрик қобик конструкцияларнинг мувозанати ва ҳаракат ҳолатининг вариацион тенгламасини келтириб чиқариш;

цилиндрик ва сферик қобик конструкциянинг деформацияланишини ҳисоблаш моделларини ишлаб чиқиш;

умумлашган усул асосида цилиндрик ва сферик қобик конструкциялар элементларини ҳисоблаш алгоритмларини ва дастурий таъминотини такомиллаштириш;

цилиндрик қобик учун ярим моментсиз қобиклар назарияси асосида ҳисоблаш усулини ишлаб чиқиш ва кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатини тадқиқ қилиш;

Такрорий юкланишлар таъсиридаги стерженларнинг кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатини таҳлил қилиш;

цилиндрик қобикнинг кучланганлик деформацияланганлик ҳолатини ANSYS комплекс программаси асосида таҳлил қилиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида қобик конструкциялар, цистерна элементлари ва турли юкланишлар таъсиридаги юпқа деворли стерженлар модели олинган.

Тадқиқот предмети деформацияланиш моделлари, ҳисоблаш алгоритмлари, қобикли конструкцияларни кучланганлик деформацияланганлик ҳолатини ҳисоблаш усуллари ва дастурлари ташкил этилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотлар жараёнида эластиклик ва пластиклик назариялари, қобиклар назарияси, вариацион принциплар, сонли усуллар, чекли айирмалар схемаси ва дастурлаш технологияларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

Гамильтон-Остроградскийнинг вариацион принципи асосида шпангоутлар билан мустаҳкамланган қобик конструкцияларнинг деформацияланиш модели яратилган;

цилиндрик ва сферик қобик конструкцияларнинг деформацияланишининг аниқлаштирилган ҳисобий модели ишлаб чиқилган;

статик ва динамик юкланишларда цилиндрик ва сферик қобик учун чегаравий масалани ҳал қилиш услублари ишлаб чиқилган;

Юпқа қобик конструкциянинг – цистерна элементлари ҳисобини дастурий воситалари ишлаб чиқилган;

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Турли хил юкланишлар таъсирида шпангоутлар билан мустаҳкамланган қобик конструкцияларни деформацияланишининг математик моделлари ишлаб чиқилган;

эластик қобик конструкциялар – цилиндрик ва сферик қобикларни ҳисоблаш услубиёти ишлаб чиқилган;

турли хил юкланишлар таъсирида чегаравий масалаларни ечиш жараёнларини алгоритмлаш ва қобик конструкцияларнинг кучланганлик деформацияланганлик ҳолати кинетикасини таҳлил қилиш имконини берадиган дастурлар мажмуи ишлаб чиқилган (№ DGU 05551);

турли хил юкланишлар таъсиридаги юпка қобикли конструкцияларнинг емирилиши ҳисобга олинган ҳолда юк кўтарувчи элементларнинг ҳисоблаш дастури ишлаб чиқилган (№ DGU 08226);

ANSYS комплекс дастури асосида цистерна элементларининг кучланганлик-деформацияланганлик ҳолати тадқиқ қилинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Лагранж ва Гамильтон-Остроградскийларнинг вариацион принципи асосида, замонавий сонли усуллар ва қобиклар назариясидан фойдаланганлиги, шунингдек масала ечимларини бошқа муаллифлар ишлари билан таққослаб текширилганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, қобикли конструкциялар деформацияланишининг чизикли ва ночизикли жараёнларида қатор янги масалаларни математик моделлаштириш услубиёти тақдим этилганлиги, сонли-аналитик услублар асосидаги универсал ва самарали алгоритмлар яратилганлиги, шунингдек цистерна типидagi қобикли конструкцияларнинг кучланганлик-деформацияланган ҳолатини ҳисоблаш учун дастурий мажмуа ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган математик моделлар, алгоритмлар ва дастурий таъминот лойиҳа ташкилотлари ва илмий-тадқиқот институтларида фойдаланиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Статик ва динамик юкланишдаги қобикли конструкцияларнинг деформацияланишини математик моделларини, шунингдек турли чегаравий ва бошланғич шартларда қобик конструкциялар элементларини кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатини таҳлили учун ҳисоблаш алгоритмлари ва дастурий воситаларни ишлаб чиқиш бўйича олинган натижалар асосида:

ишлаб чиқилган ҳисоблаш алгоритмлари, чекли айирмалар усули асосида қурилган дискрет схемалар ва яратилган дастурлар мажмуаси «Tashkent metropoekt» МЧЖ корхоналари объектларга жорий этилган (Ўз.Р Қурилиш вазирлигининг 9.09.2019 даги №6576/09-07-сонли татбиқ этилганлик тўғрисидаги маълумотномаси). Натижада, дастурий таъминот ҳисоблаш жараёнининг юқори аниқлилиги, ишлаб чиқилган услублар самарадорлиги лойиҳа ишлари унумдорлигини 12-18% га ошириш ва ҳисоблаш жараёнини 2 марта камайтириш имконини берди;

ишлаб чиқилган ҳисоблаш алгоритмлари, чекли айирмалар усулидан фойдаланиб цилиндрик қобик конструкциялар статик юкланишларда деформацияланишининг математик моделлари ва яратилган дастурий мажмуа “Ўзоғирсаноатлойиха” АЖ объектларида татбиқ этилган (Ўз.Р Қурилиш вазирлигининг 9.09.2019 даги №6576/09-07-сонли татбиқ этилганлик тўғрисидаги маълумотномаси). Натижада, дастурий таъминот юқори аниқлиги ва ишлаб чиқилган усуллар самарадорлиги ҳисоблаш жараёнини 1,5 марта камайтириш ва лойиха ишлари унумдорлигини 10-15% га ошириш имконини берди.

Умумлаштирилган модель асосида яратилган дискрет моделлар ва дастурий мажмуа “Қуюв-механика заводи” ШК объектларида татбиқ этилган (“Қуюв-механика заводи” 13.05.2019 даги баённомаси). Ишлаб чиқилган дастур ҳисоблаш жараёни муддатини 1,5 марта қисқартириб, лойиха ишлари аниқлиги ва самарадорлигини 15-20% га ошириш имконини берди.

Олинган илмий натижаларнинг лойихалаштириш амалиётига татбиқ этилиши оқилона ва техник ечимларни излашнинг такрорланишлар сонини қисқартириш, конструкциянинг материаллари моддий харажатини камайтириш, тажриба тадқиқотлар ҳажми ва уларни ўтказиш харажатларини пасайтириш, кучланганлик-деформацияланган ҳолатини ҳисоблашнинг аниқлигини ва юпқа деворли конструкциялар емирилишини камайтириш имконини яратади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 14 та республика миқёсидаги илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 39 та илмий иш чоп этилган. Улардан 1 та монография, 19 та илмий мақола, шу жумладан 3 таси хорижий ва 16 таси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан фалсафа доктори диссертацияси (PhD) бўйича асосий илмий натижаларни чоп этиш учун тавсия этилган республика журналларида, шунингдек ЭҲМда дастурий воситаларни рўйхатга олинганлиги тўғрисида 2 та гувоҳнома олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланиб, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқот объекти ва предмети белгиланиб, тадқиқотнинг Республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилди, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилмаси тўғрисида маълумотлар келтирилди.

Диссертациянинг “�ққа нисбатан симметрик қобик конструкциялар деформацияланишининг математик моделлари” номли бобда юпка қобик конструкцияларни деформацияланишини математик моделлаштириш муаммоларига бағишланган илмий ишлар таҳлил қилинган.

Иккинчи бўлимда қобик конструкцияларнинг элементлари учун ҳисоб схемаси, геометрик ва физик муносабатлар келтирилган. Ҳисоб схемасини шакллантиришда, Мяченков-Мальцев назариясига мувофиқ қобик конструкциялар айланма қобиклар, шпангоутларга (ҳалқаларга) бўлинади. Қобик элементлар учун Кирхгоф-Ляв гипотезаси ўринли деб қабул қилинади. Шпангоутларнинг кўндаланг кесимлари доиравий ҳалқа схемаси бўйича кўрилган.

Қобик элементларнинг физик хусусиятларини тасвирлаш учун Гукнинг умумлашган қонуни қўлланилади. Қобик ва ҳалқасимон элементлар учун кучланганлик, деформация ва кўчишлар ўртасидаги муносабатлар келтирилган. Қобик конструкциянинг мувозанат тенгламаларини олиш учун Лагранжнинг вариацион принциpidан фойдаланилган.

Ўрта сиртга параллел бўлган қобик элементининг деформациялари қуйидаги формула билан ифодаланади:

$$\varepsilon_{11}^z = \varepsilon_{11} + z\chi_{11}; \varepsilon_{22}^z = \varepsilon_{22} + z\chi_{22}; \varepsilon_{12}^z = \varepsilon_{12} + z\chi_{12}. \quad (1)$$

Қобикли конструкцияларнинг элементларини ҳаракат тенгламасини олиш учун Гамильтон – Остроградский тенгламасидан фойдаланилди:

$$\delta \int_t (\delta T - \delta \Pi + \delta A) dt = 0 \quad (2)$$

Кинетик, потенциал энергия вариациясини ва ташқи кучлар иши қуйидаги муносабатлардан аниқланди:

$$\begin{aligned} \delta \Pi &= \int_V (\sigma_{11} \delta \varepsilon_{11}^z + \sigma_{12} \delta \varepsilon_{12}^z + \sigma_{22} \delta \varepsilon_{22}^z) dV; \\ \delta A &= \int_V (P_1 \delta u_1 + P_2 \delta u_2 + P_3 \delta u_3) dV + \int_S (q_1 \delta u_1 + q_2 \delta u_2 + q_3 \delta u_3) dS + ; \\ &+ \int_{S_1} (f_1 \delta u_1 + f_2 \delta u_2 + f_3 \delta u_3) dS_1|_{\alpha_1} + \int_{S_2} (\varphi_1 \delta u_1 + \varphi_2 \delta u_2 + \varphi_3 \delta u_3) dS_2|_{\alpha_2}; \\ \delta T &= \iiint_V \left[\rho \frac{\partial u_1}{\partial t} \delta \frac{\partial u_1}{\partial t} + \rho \frac{\partial u_2}{\partial t} \delta \frac{\partial u_2}{\partial t} + \rho \frac{\partial u_3}{\partial t} \delta \frac{\partial u_3}{\partial t} \right] dv dt. \end{aligned} \quad (3)$$

Геометрик муносабатлар ва Гук қонунига кўра, шунингдек шакллантирилган (3) муносабатлар асосида ва уларни вариацион принцип (2) га қўйиш билан қобик элементлари учун мувозанат тенгламалари олинган.

Шунингдек, Гамильтон-Остроградскийнинг вариацион принципи асосида қобик конструкцияларнинг нозикли деформацияланишини математик моделлари ишлаб чиқилган. Х.М.Муштари назариясига кўра, қобиклар эгилиши ўртача ҳисобланиб, деформация компонентлари чекли кўчишлар орқали ифодаланган. Натижада, қобик элементлари учун ҳаракатнинг вариацион тенгламаси келтириб чиқарилган.

Диссертациянинг «**Цилиндрик қобик конструкциянинг математик моделини ва ҳисоблаш алгоритмларини шакллантириш**» номли иккинчи бобида қобикларнинг моментлар назарияси ва вариацион принцип асосида цилиндрик қобик конструкциялар деформацияланишининг аниқлаштирилган ҳисоблаш модели ишлаб чиқилган. Чегаравий ва бошланғич шартли дифференциал тенгламалар системаси олинган. Чегаравий масалаларни ечиш учун сонли усуллардан фойдаланилган.

Цилиндрик қобик учун геометрик ва физик муносабатлар келтирилган. Қобикнинг ўрта сирти эгри чизикли ортогонал координаталар тизимига $\alpha = z/L$, $\beta = s/R$ жойлаштирилган деб қаралади. В.З.Власовнинг қобиклар назариясига биноан нормалдаги ўрта сиртидан γ масофадаги қобик жисмининг ихтиёрий нуқтасининг кўчиши қуйидаги кўринишда тақдим этилган:

$$U_\alpha = (1 + k_1\gamma)U - \frac{\gamma}{A} \cdot \frac{\partial W}{\partial \alpha}, \quad U_\beta = (1 + k_2\gamma)V - \frac{\gamma}{B} \cdot \frac{\partial W}{\partial \beta}, \quad U_\gamma = W(\alpha, \beta). \quad (4)$$

Кўчишлар ифодаси (4), Ламе коэффицентлари ва уларнинг нисбатларини $(\gamma k_i)^2$ аниқлик билан ўзгарувчан γ бўйича қатор кўринишидаги муносабатларни ҳисобга олиб,

$$\frac{1}{H_2} = \frac{1}{B}(1 - k_2\gamma + k_2^2\gamma^2); \quad \frac{H_2}{H_1} = \frac{B}{A}(1 + k_2\gamma); \quad \frac{H_1}{H_2} = \frac{A}{B}(1 - k_2\gamma + k_2^2\gamma^2),$$

деформациялар учун қуйидаги аниқлаштирилган формулалар олинган:

$$e_{\alpha\alpha} = \frac{1}{R} \frac{\partial U}{\partial \alpha} - \frac{\gamma}{R^2} \frac{\partial^2 W}{\partial \alpha^2}, \quad e_{\beta\beta} = \frac{\partial V}{R \partial \beta} - (\gamma - k_2\gamma^2) \frac{\partial^2 W}{R^2 \partial \beta^2} + (1 - k_2\gamma + k_2^2\gamma^2) \cdot k_2 W,$$

$$e_{\alpha\beta} = (1 - k_2\gamma + k_2^2) \frac{\partial U}{B \partial \beta} - (\gamma - k_2\gamma^2) \frac{\partial^2 W}{AB \partial \alpha \partial \beta} + (1 + k_2\gamma) \frac{\partial V}{A \partial \alpha} - \frac{\gamma}{AB} \frac{\partial^2 W}{\partial \alpha \partial \beta}; \quad (5)$$

ҳажмий кенгайиш учун

$$\Delta = \frac{\partial U}{A \partial \alpha} - \frac{\gamma}{A^2} \frac{\partial^2 W}{\partial \alpha^2} + \frac{\partial V}{B \partial \beta} - (\gamma - k_2\gamma^2) \frac{\partial^2 W}{B^2 \partial \beta^2} + (1 - k_2\gamma + k_2^2\gamma^2) \cdot k_2 W \quad (6)$$

Цилиндрик қобик эластиклик чегарасида юкланган деб ҳисобланади. Бу ҳолда кучланиш компонентлари Гукнинг умумлашган қонунига кўра топилади:

$$\sigma_\alpha = (\lambda + 2\mu)\Delta - 2\mu(e_{\beta\beta} + e_{\gamma\gamma}); \quad \sigma_\beta = (\lambda + 2\mu)\Delta - 2\mu(e_{\alpha\alpha} + e_{\gamma\gamma}); \quad \tau_{\alpha\beta} = \mu e_{\alpha\beta}. \quad (7)$$

Цилиндрик қобик конструкцияларнинг ҳаракати тенгламасини олиш учун Гамильтон-Остроградский вариацион принцидан (2),(3) фойдаланилди. Кўчишлар (4), деформациялар (5),(6), умумлаштирилган Гук қонуни (7) ифодаларини, ҳамда бўлаклар интеграллашни ҳисобга олиб, баъзи белгилашларни киритган ҳолда, чегаравий ва бошланғич шартли ҳаракатнинг дифференциал тенгламалари системаси олинган.

Чегаравий масалаларни ҳал қилиш учун Бубнов-Галеркин усули қўлланилган:

$$U = \sum_n U_n(\alpha, t) \cos \frac{n\pi\beta}{\beta_1}, \quad V = \sum_n V_n(\alpha, t) \sin \frac{n\pi\beta}{\beta_1}, \quad W = \sum_n W_n(\alpha, t) \cos \frac{n\pi\beta}{\beta_1}. \quad (8)$$

Баъзи ўзгартиришлардан сўнг цилиндрик қобиклар учун қуйидаги кўринишдаги дифференциал тенгламалар системасига эга бўлинди:

$$\begin{aligned} & -\alpha_1^{(1)} \frac{\partial^2 W_n}{\partial t^2} + \alpha_2^{(1)} \frac{\partial^4 W_n}{\partial t^2 \partial \alpha^2} - \alpha_3^{(1)} \frac{\partial^2 V_n}{\partial t^2} - \alpha_4^{(1)} \frac{\partial^4 W_n}{\partial \alpha^4} + \alpha_5^{(1)} \frac{\partial^2 W_n}{\partial \alpha^2} - \alpha_6^{(1)} \frac{\partial U_n}{\partial \alpha} - \alpha_7^{(1)} W_n - \alpha_8^{(1)} V_n + Z_n = 0; \\ & -\alpha_1^{(2)} \frac{\partial^2 U_n}{\partial t^2} + \alpha_2^{(2)} \frac{\partial^2 U_n}{\partial \alpha^2} + \alpha_4^{(2)} \frac{\partial V_n}{\partial \alpha} + \alpha_3^{(2)} \frac{\partial W_n}{\partial \alpha} - \alpha_5^{(2)} U_n + X_n = 0; \\ & -\alpha_2^{(3)} \frac{\partial^2 V_n}{\partial t^2} + \alpha_1^{(3)} \frac{\partial^2 W_n}{\partial t^2} - \alpha_4^{(3)} \frac{\partial U_n}{\partial \alpha} + \alpha_3^{(3)} \frac{\partial^2 V_n}{\partial \alpha^2} + \alpha_5^{(3)} W_n - \alpha_6^{(3)} V_n + Y_n = 0. \end{aligned} \quad (9)$$

чегаравий шартлар:

$$\begin{aligned} & \left[-(\lambda + 2\mu) \cdot h \frac{\partial U}{R \partial \alpha} - \lambda h \frac{\partial V}{R \partial \beta} - \lambda k_2 \frac{h^3}{12 R^2} \frac{\partial^2 W}{\partial \beta^2} - \lambda \cdot \left(h + k_2^2 \frac{h^3}{12} \right) k_2 W + N(\varphi_1) \right] \delta U|_{\alpha} = 0; \\ & \left[-\mu \left(h + k_2^2 \frac{h^3}{12} \right) \frac{\partial U}{R \partial \beta} - \mu h \frac{\partial V}{R \partial \alpha} - \mu k_2 \frac{h^3}{12 R^2} \frac{\partial^2 W}{\partial \alpha \partial \beta} + N(\varphi_2) \right] \delta V|_{\alpha} = 0; \\ & \left[(\lambda + 2\mu) \frac{h^3}{12 R^3} \frac{\partial^3 W}{\partial \alpha^3} + \lambda \frac{h^3}{12 R^3} \frac{\partial^3 W}{\partial \alpha \partial \beta^2} + \lambda k_2^2 \frac{h^3}{12 R} \frac{\partial W}{\partial \alpha} + 2\mu k_2 \frac{h^3}{12 R^2} \frac{\partial^2 U}{\partial \beta^2} - \right. \\ & \left. - \mu k_2 \frac{h^3}{12 R^2} \frac{\partial^2 V}{\partial \alpha \partial \beta} + 4\mu \frac{h^3}{12 R^3} \frac{\partial^3 W}{\partial \alpha \partial \beta^2} + Q(\varphi_3) + \frac{\partial M(\varphi_2)}{R \partial \beta} \right] \delta W|_{\alpha} = 0; \\ & \left[-(\lambda + 2\mu) \frac{h^3}{12 R^2} \frac{\partial^2 W}{\partial \alpha^2} - \lambda \frac{h^3}{12 R^2} \frac{\partial^2 W}{\partial \beta^2} - \lambda k_2^2 \frac{h^3}{12} W - M(\varphi_1) \right] \delta \frac{\partial W}{R \partial \alpha}|_{\alpha} = 0. \end{aligned} \quad (10)$$

бошланғич шартлар:

$$\begin{aligned} & \rho h \frac{\partial U}{\partial t} \delta U|_t = 0; \quad \left[\rho \left(h + k_2^2 \frac{h^3}{12} \right) \frac{\partial V}{\partial t} - \rho k_2 \frac{h^3}{12} \frac{\partial^2 W}{\partial t R \partial \beta} \right] \delta V|_t = 0; \\ & \left[\rho h \frac{\partial W}{\partial t} - \rho \frac{h^3}{12} \frac{\partial^3 W}{\partial t R^2 \partial \alpha^2} + \rho k_2 \frac{h^3}{12} \frac{\partial^2 V}{\partial t R \partial \beta} - \rho \frac{h^3}{12} \frac{\partial^3 W}{\partial t R^2 \partial \beta^2} \right] \delta W|_t = 0. \end{aligned} \quad (11)$$

Дифференциал тенгламалар тизими (9) ни векторли шаклда ёзиш мумкин

$$A_1 \ddot{U}_n + A_2 \ddot{U}_n'' + A_3 U_n^{IV} + A_4 U_n'' + A_5 U_n' + A_6 U_n + F_n = 0. \quad (12)$$

бунда: $U_k = (W_k, U_k, V_k)^T$, $F_k = (Z_k, X_k, Y_k)^T$; A_i - учинчи тартибли матрица.

Чегаравий масалалар (12), (10) ва (11) ни ечиш учун аниқлаштирилган иккинчи тартибли чекли айирмалар усули қўлланилди. Марказий-айирмали формулалардан фойдаланиб, қуйидаги алгебраик тенгламалар тизими олинди:

$$\begin{aligned} & B_n U_{n,i-1}^{k+1} + C_n U_{n,i}^{k+1} + B_n U_{n,i+1}^{k+1} + \bar{A}_n U_{n,i+1}^{k+1} + \bar{B}_n U_{n,i-1}^k + \bar{C}_n U_{n,i}^k + \bar{D}_n U_{n,i+1}^k + \\ & + \bar{A}_n U_{n,i+2}^k + \bar{B}_n U_{n,i-1}^{k-1} + C_n U_{n,i}^{k-1} + B_n U_{n,i+1}^{k-1} + \tau^2 F_{n,i}^k = 0. \end{aligned} \quad (13)$$

Аппроксимациядан сўнг бошланғич шарт (11) қуйидаги кўриниш олади:

$$\left[\bar{M}_1 U_{n,i-1}^{k+1} + \bar{M}_2 U_{n,i}^{k+1} + \bar{M}_3 U_{n,i+1}^{k+1} - \bar{M}_1 U_{n,i+1}^{k+1} - \bar{M}_1 U_{n,i-1}^{k-1} - \bar{M}_2 U_{n,i}^{k-1} - \bar{M}_3 U_{n,i+1}^{k-1} \right]_0 h \delta U_{n,i+1}^{k-1} = 0. \quad (14)$$

Айирмали чегаравий масалани ечиш “хайдаш” услуби ёрдамида ҳал қилинди. Кўчишлар ва уларнинг тезликлари бошланғич вақт учун берилган деб фараз қилинади. Цилиндрик қобик $\alpha = 0$ ва $\alpha = 1$ бўлганда маҳкамланган деб ҳисобланади. Вектор кўринишда чегаравий шартлар қуйидагича ифодаланади:

$$U_{n,0}^j = 0; A'U_{n,-1}^j = A'U_{n,1}^j; U_{n,N}^j = 0; A'U_{n,N+1}^j = A'U_{n,N-1}^j. \quad (15)$$

Айирмали тенгламалар системаси (13) ни чегаравий шартлар (15) ҳисобга олган ҳолда $i = 1, 2, \dots, N-1$ учун қайта ёзамиз, натижада бу система қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$B_n U_{n,i-1}^{k+1} + C_n U_{n,i}^{k+1} + B_n U_{n,i+1}^{k+1} = b_{n,j}, \quad (16)$$

бунда: $b_{n,i} = \tau^2 F_{n,i}^k - (\bar{A}_n U_{n,i-2}^k + \bar{B}_n U_{n,i-1}^k + \bar{C}_n U_{n,i}^k + \bar{D}_n U_{n,i+1}^k + \bar{A}_n U_{n,i+2}^k + B_n U_{n,i-1}^{k-1} + C_n U_{n,i}^{k-1} + B_n U_{n,i+1}^{k-1})$.

(16) тенгламадан i -чи тенглама учун ечимни ёзиб олиш мумкин:

$$U_{n,i}^{k+1} = f_i - H_i U_{n,i+1}^{k+1}, \quad (17)$$

бунда: $f_i = (C_n - B_n H_{i-1})^{-1} (b_{n,i} - B_n f_{i+1})$, $H_i = (C_n - B_n H_{i-1})^{-1} B_n$.

Тескари “хайдашда” кўчишлар вектори $U_{n,i}^k$ нинг қолган қийматлари аниқланади.

Диссертациянинг «Сферик қобик конструкциянинг математик моделини шакллантириш» деб номланган учинчи бобида Гамильтон-Остроградский принципидан фойдаланиб, сферик қобик конструкцияси учун зўриқиш кучлари ва кўчиш орқали ҳаракат (мувозанат) вариацион тенгламаси олинган. Бубнов-Галеркин усулини қўллаб хусусий ҳосилалар, тегишли чегаравий ва бошланғич шартларга эга бўлган дифференциал тенгламалар системаси олинган.

Ушбу масалада кўчиш компонентлари қуйидаги кўринишда ифодаланган:

$$\begin{aligned} U_\alpha &= (1 + k_1 \gamma) U - \frac{\gamma}{A} \frac{\partial W}{\partial \alpha} = (1 + k_1 \gamma) U - \gamma \frac{\partial W}{R \partial \alpha}; \\ U_\beta &= (1 + k_2 \gamma) V - \frac{\gamma}{B} \frac{\partial W}{\partial \beta} = (1 + k_2 \gamma) V - \gamma \frac{\partial W}{R \sin \alpha \partial \beta}; \quad U_\gamma = W(\alpha, \beta). \end{aligned} \quad (18)$$

Деформациялар қуйидаги формулалар бўйича топилган ($(\gamma k_i)^2$ -аниқлик билан):

$$\begin{aligned} e_{\alpha\beta} &= \frac{\partial u}{R \sin \alpha \partial \beta} + \frac{\partial v}{R \partial \alpha} - 2(\gamma - k_2 \gamma^2) \frac{\partial^2 w}{R^2 \sin \alpha \partial \alpha \partial \beta} - \frac{\cos \alpha}{R \sin \alpha} V + (\gamma - k_2 \gamma^2) \frac{2 \cos \alpha}{R^2 \sin \alpha} \frac{\partial w}{\partial \beta}; \\ e_{\beta\beta} &= \frac{\partial v}{R \sin \alpha \partial \beta} - (\gamma - k_2 \gamma^2) \frac{\partial^2 w}{R^2 \sin^2 \alpha \partial \beta^2} + \frac{\cos \alpha}{R \sin \alpha} U - (\gamma - k_2 \gamma^2) \frac{\cos \alpha}{R^2 \sin \alpha} \frac{\partial w}{\partial \alpha} + k_1 W (1 - k_1 \gamma + k_1^2 \gamma^2); \\ e_{\alpha\alpha} &= \frac{\partial u}{R \partial \alpha} - (\gamma - k_1 \gamma^2) \frac{\partial^2 w}{R^2 \partial \alpha^2}. \end{aligned} \quad (19)$$

Сферик қобик конструкциялар учун Гамильтон-Остроградскийнинг вариацион принципи ва Бубнов-Галеркин усулларидан фойдаланиб, тегишли чегаравий ва бошланғич шартларга эга қуйидаги аниқлаштирилган дифференциал тенгламалар системаси олинган:

$$\begin{aligned}
& -\alpha_1^{(3)} \frac{\partial^2 W_n}{\partial t^2} - \alpha_4^{(3)} \frac{\partial^2 V_n}{\partial t^2} - \alpha_2^{(3)} \frac{\partial^3 U_n}{\partial t^2 \partial \alpha} + \alpha_8^{(3)} \frac{\partial^4 W_n}{\partial t^2 \partial \alpha^2} - \alpha_6^{(3)} \frac{\partial^4 W_n}{\partial \alpha^4} - \alpha_5^{(3)} \frac{\partial^3 U_n}{\partial \alpha^3} - \alpha_9^{(3)} \frac{\partial^2 V_n}{\partial \alpha^2} + \\
& + \alpha_7^{(3)} \frac{\partial^2 W_n}{\partial \alpha^2} + \alpha_{11}^{(3)} \frac{\partial W_n}{\partial \alpha} + \alpha_{14}^{(3)} \frac{\partial V_n}{\partial \alpha} + \alpha_{13}^{(3)} \frac{\partial U_n}{\partial \alpha} - \alpha_8^{(3)} W_n - \alpha_{12}^{(3)} U_n - \alpha_{10}^{(3)} V_n + Z_n = 0; \\
& -\alpha_1^{(1)} \frac{\partial^2 U_n}{\partial t^2} + \alpha_3^{(1)} \frac{\partial^3 W_n}{\partial t^2 \partial \alpha} + \alpha_4^{(1)} \frac{\partial^2 V_n}{\partial \alpha^2} - \alpha_8^{(1)} \frac{\partial^3 W_n}{\partial \alpha^3} + \alpha_2^{(1)} \frac{\partial^2 U_n}{\partial \alpha^2} + \alpha_5^{(1)} \frac{\partial W_n}{\partial \alpha} + \alpha_9^{(1)} \frac{\partial U_n}{\partial \alpha} + \alpha_6^{(1)} \frac{\partial V_n}{\partial \alpha} + \\
& + \alpha_8^{(1)} W_n - \alpha_{10}^{(1)} U_n - \alpha_7^{(1)} V_n + X_n = 0; \\
& -\alpha_2^{(2)} \frac{\partial^2 W_n}{\partial t^2} - \alpha_1^{(2)} \frac{\partial^2 V_n}{\partial t^2} - \alpha_8^{(2)} \frac{\partial^2 W_n}{\partial \alpha^2} + \alpha_9^{(2)} \frac{\partial^2 V_n}{\partial \alpha^2} - \alpha_5^{(2)} \frac{\partial W_n}{\partial \alpha} - \alpha_7^{(2)} \frac{\partial U_n}{\partial \alpha} - \alpha_{10}^{(2)} \frac{\partial V_n}{\partial \alpha} + \\
& + \alpha_4^{(2)} W_n - \alpha_6^{(2)} U_n - \alpha_3^{(2)} V_n + Y_n = 0.
\end{aligned} \tag{20}$$

Ушбу системани ва бошланғич шартларни вектор кўринишда ифодалаймиз:

$$A_1 \frac{\partial^2 U_n}{\partial t^2} + A_2 \frac{\partial^4 U_n}{\partial t^2 \partial \alpha^2} + A_3 \frac{\partial^3 U_n}{\partial t^2 \partial \alpha} + A_4 \frac{\partial^4 U_n}{\partial \alpha^4} + A_5 \frac{\partial^3 U_n}{\partial \alpha^3} + A_6 \frac{\partial^2 U_n}{\partial \alpha^2} + A_7 \frac{\partial U_n}{\partial \alpha} + A_8 U_n + EF_n = 0; \tag{21}$$

$$\left[B_1 \frac{\partial U_n}{\partial t} + B_2 \frac{\partial^2 U_n}{\partial t \partial \alpha} + B_3 \frac{\partial^3 U_n}{\partial t \partial \alpha^2} \right] h \delta U_n \Big|_t = 0. \tag{22}$$

Хусусий ҳолда, статик юкланишда (21) дан қуйидагига эга бўламиз:

$$A_4 U^{IV} + A_5 U^{III} + A_6 U^{II} + A_7 U^I + A_8 U + EF_n = 0. \tag{23}$$

(20), (21) ва (22) чегаравий масалаларни ҳал қилишда иккинчи тартибли аниқлик билан чекли айирмалар усулини қўллаб, (16) кўринишдаги алгебраик тенгламалар системаси олинган. “Ҳайдаш” усулини қўллаш билан ечиш йўли кўрсатилган.

Диссертациянинг «Турли хил юкланишларда юпқа конструкцияларнинг кучланганлик деформацияланганлик ҳолатининг сонли алгоритмини ҳисоблаш ва тадқиқ қилиш» деб номланган тўртинчи бобда қобик конструкцияларнинг деформацияланишини ҳисоблаш масаласини моделлаштириш, дастурий таъминот мажмуининг тузилиши ва интерфейсдан фойдаланиш бўйича кўрсатмалар, цилиндрик қобикнинг кучланганлик-деформацияланганлик ҳолати таҳлили натижалари келтирилган. Жумладан, цистерна ўзагини ҳисоблаш В.З.Власовнинг қобиклар учун яриммоментсиз назарияси асосида таҳлил қилинган.

Биринчи бўлимда статик юкланишлар остидаги цилиндрик қобик конструкцияларнинг кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатини ҳисоблашнинг компьютер реализацияси ва дастурий таъминоти ишлаб чиқилган.

Яратилган дастурий мажмуа (C#) бир нечта класслардан ташкил топган. Объектга йўналтирилган дастурлашда класс - калит сўз ҳисобланади. Класс маълумот ва кодлардан ташкил топган бўлиб, у дастурни бошқаради. Класс конструктори-бу янги объект қуришда чақириладиган ва класс майдонларини қийматлар билан бошлаш ва дастлабки ҳисоблашларни бажариш учун

ишлатиладиган махсус усул.

Чекли айирмалар ва вариацион усуллар асосида ишлаб чиқилган ел классификациясидаги асосий қисмлардан ташкил топган:

Ташкилий усуллар: $\text{double}[] a(\text{int } i)$, $\text{double}[] b(\text{int } i)$, $\text{double}[] c(\text{int } i)$, $\text{double}[] c(\text{int } i)$. Ҳар бир усул 16 та қийматга эга ва i ўзгарувчига қараб, коэффициентнинг янги қийматини олади.


Асосий тенглама коэффициентларини ҳисоблаш усуллари: $\text{double}[,] A(\text{int } t)$, $\text{double}[,] B(\text{int } t)$, $\text{double}[,] C(\text{int } t)$, $\text{double}[,] D(\text{int } t)$, $\text{double}[,] E(\text{int } t)$. Ушбу усуллар t ўзгарувчининг қийматига қараб 3×3 икки ўлчовли массив ҳосил қилади.

Чекли айирмалар коэффициентларини ҳисоблаш усуллари: $\text{double}[,] Ak(\text{int } k)$, $\text{double}[,] Bk(\text{int } k)$, $\text{double}[,] Ck(\text{int } k)$, $\text{double}[,] Dk(\text{int } k)$, $\text{double}[,] Ek(\text{int } k)$. Чекли айирмалар усулини қўллагандан кейин, k нинг қийматига қараб, 3×3 икки ўлчовли массив ҳосил қилади.

Чекли айирмалар системаси ёрдамида тенгламаларни ечиш усуллари: `ryamhond` усулини қўллагандан сўнг, кўчиш векторининг қийматлари олинади. Кўчиш векторининг ҳисобланган қийматлари асосида, ҳар бир тугунга мос зўриқиш векторлари ҳисобланади.

Дастурлар мажмуи диалог режимида ишлайди. Яратилган интерфейс ҳисоблаш натижаларининг жадвал ва графиклар кўринишида чиқаришни, шунингдек кейинчалик кўриб чиқиш ва таҳлил қилиш мақсадида алоҳида файлларга ёзиб олиниши имконини беради.

Икки тарафдан қотириб маҳкамланган цилиндрик қобик учун олинган ҳисоб натижалари график кўринишида келтирилган. Шу билан бирга ҳисобий натижаларни тақсимооти тўрнинг турли қийматларида кўрсатилган. Ҳисобий қийматларни яқинлаштиришни таҳлили амалий ҳисобларда $N=40$ бўлиши етарли деб ҳисобланади (расм-1).



1-расм. Ҳисобий миқдорларнинг ўзгариши: Кўчиш компонентлари W, U ва зўриқиш кучлари M₁, N₁ ларнинг тўрнинг турли қийматларида қобикнинг узунлиги бўйича ўзгариши.

Цилиндрик қобик конструкциялар цистерна ўзагининг кучланганлик-деформацияланганлик ҳолати таҳлили учун асосий муносабатларни чиқаришда, хусусан, В.З.Власовнинг яриммоментсиз назарияси қўлланилган. Масаланинг ечими қуйидаги қатор кўринишида изланади:

$$V = \sum_{n=2}^{\infty} V_n(\alpha) \sin n\beta, \quad W_n(\alpha) = \sum_{n=2}^{\infty} V_n(\alpha) n \cos n\beta, \quad U_n(\beta) = \sum_{n=2}^{\infty} \frac{\partial V_n(\alpha)}{\partial \alpha} \cdot \frac{1}{n} \cos n\beta \quad (24)$$

Муайян ўзгартиришлардан сўнг, масала $V_n(\alpha)$ га нисбатан бир жинсли ўзаро боғлиқ бўлмаган чексиз тенгламалар тизимига келтирилади.

Таянч кесимларда $z=0$ ва $z=l$ ҳалқа билан кучайтирилган цилиндрлик қобикни ҳисоблаш жараёни кўриб чиқилган. Қобик муайян N даражага қадар унинг деворига нормал босим $p_n = p_n(s)$ ҳосил қиладиган суюқлик билан тўлдирилган деб ҳисобланади. Суюқлик босими P_n Вершинскийга кўра қуйидаги формула асосида аниқланган:

$$p_n = -\tilde{\gamma}R(\cos \beta - \cos \beta_0) \quad (25)$$

бунда $\tilde{\gamma}$ - суюқликнинг ҳажмий оғирлиги, β_0 - қобикнинг тўлиш даражасини тавсифловчи марказий бурчак.


1-жадвалда β_0 нинг турли қийматлари учун цилиндрлик қобик – цистерна ўзагини ҳисоблаш натижалари келтирилган (мазкур кесим учун $z=l/2$), қуйидаги бошланғич маълумотларда: $R=150$ см; $l=1120$ см; $h=0.6$ см; $\beta_0=33^\circ$; $\tilde{\gamma}=0.001\text{кг}/\text{см}^2$;

1-жадвал

Цилиндрлик қобик – цистерна ўзагини ҳисоблашнинг сонли натижалари

	β	$U(z,s) \cdot 10^2$	$V(z,s)$	$W(z,s)$	$M(z,s)$	$\sigma(z,s)$
n=2	0	0.41391	0	-0.06221	-0.29862	36.74160
	$\pi/6$	0.20680	-0.02695	-0.03108	-0.14920	18.35741
	$\pi/3$	-0.20726	-0.02693	0.03115	0.14953	-18.39760
	$\pi/2$	-0.41391	0.00039	0.06221	0.29863	-36.74162
	$2\pi/3$	-0.20635	0.02697	0.03102	0.14888	-18.31710
	$5\pi/6$	0.20771	0.02691	-0.03122	-0.14986	18.43781
	π	0.41391	-0.00079	-0.06221	-0.29862	36.74152
n=3	0	0.64392	0	-0.21777	-2.78742	57.15900
	$\pi/6$	-0.00041	-0.07259	0.00014	0.00176	-0.03614
	$\pi/3$	-0.64392	0.00092	0.21777	2.78742	-57.15901
	$\pi/2$	0.00012	0.07259	-0.00042	-0.00529	0.10842
	$2\pi/3$	0.64392	-0.00018	-0.21777	-2.78741	57.15880
	$5\pi/6$	-1.00804	-0.07259	0.00069	0.00881	-0.18070
	π	-0.64392	0.00028	0.21777	2.78740	-57.15860

2-расмда цилиндрик қобик – цистерна ўзагининг кучланганлик ҳолати график кўринишида келтирилган.



2-расм. n нинг турли қийматларида ($n = 1, 2, 3, 4$) $z = l/2$ кесим учун нормал кучланишлар эпюраси келтирилган

2-расмдан кўриниб турибдики, қобик–цистерна қозонидаги кучланишлар тақсимланиши қаторнинг турли ҳадларида сезиларли фарқланади.

